

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик

Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафаевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор
Тошкент халқаро Кимё университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

1. Адилов Аброр Анварович СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ	4
2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	20
3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ	34
4. Замонов Акбар Тургинович ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	45
5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI	60
6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI	70
7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА	79
8. Рахманова Одинахон Равшанбековна САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА	93
9. Сиддиков Равшан Бердимуратович ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	101
10. Примов Мухиддин Омонович ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР	118
11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI	135
12. Hakimova Saida Baxtiyorovna O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA	150
13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYONAT	156
14. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	162

Адилов А.А.
т.ф.н, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
A.Adilov@gmail.com

**СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН
ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАҚФ
МАСАЛАСИ
АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллиф совет давлатининг илк йилларида Туркистон ўлкасида амалга оширган диний сиёсатида вақф масаласини атрофлича кўриб чиққан. Муаллиф бир қатор архив хужжатлари ва тарихий адабиётлар таҳлили остида масалага тегишли ойдинлик киритган.

Калит сўзлар: Давлат, дин, совет, рухоний, вақф, ҳокимият, сиёсат, миллат, Туркистон, ўлка, қизил армия, ташкилот, ер-мулк, зиддият, кескинлик, масжид, имом, жаид.

Адилов А.А.
к.и.н., доцент
Национальный университет Узбекистана
A.Adilov@gmail.com

**ПРОБЛЕМА ВАКУФА В РЕЛИГИОЗНОЙ ПОЛИТИКЕ,
ОСУЩЕСТВЛЯЕМОЙ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ
СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ
АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор подробно рассмотрел вопрос об вакуфах в религиозной политике Советского государства в первые годы существования Туркестана. На основе анализа ряда архивных документов и исторической литературы автор дал соответствующие разъяснения по данному вопросу.

Ключевые слова: государство, религия, Советский Союз, священник, власть, политика, нация, Туркестан, край Красная Армия, организация, земельная собственность, конфликт, напряженность, мечеть, имам, джаиды.

Adilov A. A.

PhD., Associate professor
National university of Uzbekistan
A.Adilov@gmail.com

THE ISSUE OF THE VAKF IN THE RELIGIOUS POLICY IMPLEMENTED IN THE TURKESTAN DURING THE FIRST PERIOD OF THE SOVIET AUTHORITY

ABSTRACT

In this article, the author thoroughly considered the issue of the religious policy of the Soviet state in the early years of Turkestan. The author has provided relevant clarification to the issue under the analysis of a number of archival documents and historical literature.

Keywords: state, religion, Soviet Union, priest, power, politics, nation, Turkestan, edge, Red Army, organization, land ownership, conflict, tension, mosque, imam, jadids.

КИРИШ

Қайд этиш лозимки, давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ижтимоий ҳаёт бобида дин арбоблари, руҳонийларнинг тутган ўрни ва роли, конфессиялараро муносабатлар ва мазкур масала билан боғлиқ жиҳатлар шубҳасиз, доимий равишда тарихчи олимлар, тадқиқотчилар, тегишли мутахассислар доирасини жалб этиб келган. Бу масала айниқса, XX аср-кескин ва зиддиятли жараён ва воқеликлар, ижтимоий бўҳронлар ва катаклизмаларни ўз ичига олган асрда айниқса долзарб аҳамият касб этади.

Тарихий материаллар «совет ҳокимиятига қарши турганлар» қаторида дин, диний арбобларига қарши кураш ушбу ҳокимият ўрнатилганидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай бошланганлигини кўрсатади. Масалан, Фарғона водийсида “босмачиликка қарши кураш” ғояси остида қизил армия кўшинлари қозилар, уламолар, имом ва бошқа диний арбобларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ўтказганлигини кўриш мумкин. Хусусан, “аксилинқилобий кучларга қарши”, “уларнинг фаол вакиллари” сифатида дин арбобларига қарши кураш натижасида Андижондаги жоме масжиди

мусулмон отряди казармасига айлантирилади. Қизил армия кўшинлари масжидларда намоз ўқиётган, мадрасаларда таҳсил олаётган диндорлар, руҳонийлар, уламо ва талабаларга ҳужум уюштириб, у ерларни харобага айлантирганлар[1.Б.193.]. Шундай муносабатни Самарқанд шаҳрида ҳам кўриш мумкин эди. Таниқли олим Б.Қосимовнинг ёзишига кўра, “Самарқанд шаҳрига етиб келган аскарлар қаршилик ҳаракати иштирокчиларини таъқиб этиб, марказий масжидгача етиб боришади, масжидни отхонага айлантириб, эрталабгача маҳаллий аҳолини сафга тизиб отиб ўлдириш мусобақасини уюштирадилар” [2.Б.74]. Бу каби салбий ҳолатларни афсуски, ўлканинг кўплаб ерларида нафақат мусулмон, балки христианлар, яҳудийларга нисбатан ҳам амалга оширилган хунрезликларда ҳам кўриш мумкин эди. Таъкидлаш лозимки, 1917 йилги февраль буржуа-демократик инқилобидан сўнг жаҳид маърифатпарварлари (улар орасида кўплаб дин арбоблари, мударрислар, уламолар ҳам бор эди - муаллиф), ўлкадаги тараққийпарвар кучлар, зиёлилар иштирокида миллий-демократик руҳдаги бир қатор ташкилотлар юзага келди. Булар қаторига “Шўрои Исломия”, “Туркистон мусулмонлари шўроси”, “Шўрои Уламо”, “Турон”, “Маърифат ва шариат”, “Иттифоқи Исломия”, “Тижорат ул-ислом”, “Саноул Ислом”, “Мирват ул-Ислом”, “Хадд-дул Ислом”, “Равнақ ул-Ислом”, “Гулистон”, “Муаййин ат-толибин”, “Жамияти Исломия” ва бошқалар шулар жумласидандир. Кейинчалик, 1917 йил кузига келиб ушбу ташкилотларнинг кўпчилиги “Иттифоқ ул-муслимин” партиясини тузишга қарор қиладилар. Мазкур ташкилотлар ичида 1917 йил 14 мартда Тошкентда “Турон” уюшмаси заминида тузилган “Шўрои Исломия”нинг нуфузи анча баланд бўлиб, у қатор маданий-маърифий характердаги ислохотлар ўтказиш ғоялари билан ҳам чиққан эди[3. С.3-5,6-11,12-20]. Ташкилот раҳбарларидан бири Мунавварқори Абдурашидхоновнинг (1878-1931) ўзи мадраса мударриси бўлган, диний илмлардан яхши хабардор, жамиятда диннинг ўрнини яхши тушунувчи шахс эди.

Шунингдек, Мунавварқори Абдурашидхонов дин ва миллат бирлиги, урф одат ва турмуш тарзи, исломий қадриятларни қатъий туриб ҳимоя қилиш тамойиллари билан ҳам ўртага чиққан эди. “Шўрои Исломия” ташкилотининг қатор жумладан, Қўқон, Андижон, Скобелев, Марғилон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам шўъбалари фаолият кўрсатган. Тараққийпарвар кучлар томонидан шу тариқа ўлка равнақи, миллий-маданий ислохотлар, ўз давлатчилиқ тузилмасини тузиш, диний муассаса, уламолар, руҳонийларни бир мақсад йўлида бирлаштириш каби ғоялар кун тартибига қўйилди. Лекин, афсуски умумий мақсад йўлида бирлашиш маълум кучлар, хусусан, ислохотларга қарши турган мусулмон руҳонийларининг маълум айирмачилиқ характердаги саъй-ҳаракатларида ҳам намоён бўлди. Буни 1917 йил июнида Шерали (Серали) Лапин раҳбарлигида тузилган “Шўрои Уламо” ташкилоти фаолиятида ҳам кўриш мумкин эди.

1917 йил баҳоридан то 1918 бошларигача нашр этилган кўплаб маҳаллий: “Шўрои Исломия”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият”, “Эл байроғи”, “Ал-изоҳ”, “Турк сўзи”, “Улуғ Турон” ва бошқа қатор нашрларда айнан шу даврдаги ўзгаришлар моҳияти акс этган эди.

Совет давлати ўз сиёсий мавқеини бирмунча мустақамлаб олганидан сўнг, айниқса, сиёсий майдонда марказда аввал Таъсис Мажлисининг тарқатиб юборилиши, Туркистонда Қўқон (Туркистон) Мухториятининг тор-мор қилиниши, “ҳарбий коммунизм”, “қизил террор” каби сиёсий йўлнинг тадбиқ этилиши, қуролли қаршилиқ ҳаракатига қарши қизил армия кучларининг ишга солиниши, уларнинг бедодлиги ва зўравонлиги ҳамда бошқалар энди ўлкада диний, айниқса аҳолининг 90% дан ортиғини ташкил этувчи турли даражаларидаги мусулмон ташкилотлар фаолиятини чеклаш, уларни турли баҳоналар остида ёпишга ҳаракатлар бошланди. Мазкур таъқиқлар аксарият сиёсий мазмундаги баҳоналар билан изоҳланар эди. Хусусан, 1918 йил 13 майда Туркистон ХКСнинг 243-сонли буйруғи асосида “Шўрои Уламо” ташкилоти ҳамда унинг ўзбек тилидаги нашри бўлмиш “Ал-изоҳ” журнали фаолияти тўхтатилди. Мазкур буйруқда ушбу ташкилот

фаолияти пролетариат синфи манфаатларига зидлиги таъкидланиб, унинг мол-мулклари мусодара этилди[4. Б.33.].

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати, мухториятнинг тор-мор этилиши, ўлкадаги оғир иқтисодий аҳвол, юқумли касалликларнинг тарқалиши, қашшоқлик ва очарчиликнинг авж олиши, хонавайронлик, турли жиноий гуруҳларнинг бедодлиги ва зўравонликлари, қизил армия кучларининг тазйиқ ва зўравонлиги, маҳаллий совет маъмуриятининг аҳоли турмуш тарзи ва анъаналарини ҳисобга олмаган ҳолдаги ўзбошимча саъй-ҳаракатлари— буларнинг барчаси, маҳаллий халқлар орасида эртанги кунга, совет ҳокимиятига бўлган ишончини сўндириб, мазкур ҳокимиятнинг ўзини тез орада сиёсий майдонни тарк этишига сабаб бўлар эди. Фарғона водийсини совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршилик ҳаракати кучлари томонидан эгалланиши эса айнан юқорида қайд этилган мулоҳазага мантиқий жавоб сифатида майдонга чиқди. Совет давлатининг 1918-1919 йиллардаги динга бўлган муносабати ҳам зиддиятли ва қарама-қаршиликка тўла ҳолда кечди. Россияда бошланган фуқаролар уруши бу борада большевиклар динга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилар, собиқ империя ҳудудларининг кўп жойлари советлар измидан чиқиб кетган, оғир иқтисодий аҳвол, очарчилик, Европа давлатлари ва АҚШнинг Россияга интервенцияси, халқ оммаси ичидаги умумий норозилик ва бошқалар аҳолининг аксариятини ташкил этувчи динга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам маълум ён бериш сиёсатини талаб қилар эди. Масалан, совет ҳукумати ва большевиклар партиясининг раҳбари В.И.Ленин вазият янада кескинлашиб кетишини олдини олиш мақсадида ўзининг 1918 йил 19 ноябрда Бутунроссия ишчи аёлларининг I съездида сўзлаган нутқида: “Диний тушунча, сарқитлар билан жуда эҳтиёткорлик билан курашиш лозим... Курашни кескинлаштириш натижасида биз оммани янада кўпроқ ғазаблантиришимиз мумкин”, - дея қайд этган эди[5.С.186.]. Баъзи совет раҳбарияти вакиллари эса (А.И.Рыков, В.Д. Бонч – Бруевич ва бошқалар), “Христиан коммунизми” ғоялари, шу диндаги маълум оқимлардаги ғоялардан фойдаланиш

таклифларини ҳам ўртага ташлаган эдилар. Масалан, таниқли совет раҳбарларидан бири А.И. Рыков РКП(б) 1924 йили бўлиб ўтган XIII съездида сўзга чиқиб, революцион ғояларга яқин турган, “хусусий мулкни инкор этувчи диний-секстант оқимлардан ҳар томонлама ва тўлақонли равишда фойдаланиш керак”, деган фикрни ўртага ташлаган эди[6.С.71.]. Масалага бошқа бир томондан қаралса, шу ҳол намоён бўладикки, совет ҳокимияти 1918 йилга келиб жаҳон инқилобини амалга ошириш ва совет Россиясида социализм куриш йўлида мусулмон халқларидан иттифоқчи сифатида фойдаланишни ҳам режалаштирган эди. Совет ҳукумати унинг раҳбари В.И.Ленин томонидан “империализм ва мустамлакачиликдан азият чеккан Шарқ халқлари”, уларнинг саъй-ҳаракатлари коммунистик жамият, жаҳон инқилобини амалга оширишда юқорида таъкидланганидек, иттифоқчи ролини ўтамоғи лозим эди. Большевиклар “жаҳон инқилобини” Ғарбда амалга оширилиш жараёни “чўзилиб” кетавергач ўз эътиборларини кўп ҳолда Шарқ томонига қаратган эдилар. Масалан, совет раҳбариятидан бу борадаги қарашни анча катта нуфузга эга яна бир “доҳий” Л.Д.Троцкий (Л.Д.Бронштейн) ҳам қўллаб-қувватлагани, “Шарқ масаласида” совет раҳбариятида бошқа масалалардан фарқли равишда яқдиллик ҳукмронлик сурганлигидан дарак беради. 1919 йилнинг август-сентябри яъни мамлакатда совет ҳокимияти ҳалокатли “оловли халқа” ичида турган бир вақтда Л.Д.Троцкий ўзининг РКП(б) МКига йўллаган мактубларида “мустамлакачиликка қарши қўзғолонлардаги биринчи навбатдаги майдон Осиё бўлиши мумкин. Бизнинг бу борадаги асосий вазифамиз халқаро ориентация борасидаги оғирлик марказини тезда кўчиришимиздан иборат...Биз шарқда қатъийлик ва тезкорлик сиёсатиға ўтишимиз лозим... бу борада биз Реввоенсоветга Туркистонда жануб томон ҳаракат қилишимиз учун моддий ва шахсий элементларни жам этмоғимиз керак[7.С.373.]. Бу борада совет ҳукумати тезкор ҳаракатга ўтиб, шарқдаги мустамлакачилик зулмига қарши турган кучларни қўллаб-қувватлашга киришди. Таъкидлаш жоизки, мазкур сиёсат кейинчалик ҳам турлича кўриниш ва шаклда давом

этди. Хусусан, 1920 йили Коммунистик Интернационал (Коминтерн-муалиф) “Эрон, Арманистон ва Туркиянинг эзилган халқ оммасига” деб ном олган мурожаатномаси билан чиқди. Унда кўпгина масалалар билан бир қаторда империализм билан кураш “Шарқни уйғотиш” мақсадида “Бутунмусулмонлар конгресси”ни чақириш ғояси билан чиқди. 1920 йил сентябрда Бокуда бўлиб ўтган Шарқ меҳнаткашларининг I съездида айнан Коминтерн ташаббуси билан (маълумки Коминтерн – бу совет давлати большевиклар партияси доираси назоратидаги ташкилот эди – муаллиф) “Жаҳон империализмига” қарши “мукаддас қизил уруши”ни эълон қилиш шиори ўртага ташланди[8.С.373.]. Худди шу йўналишдаги сиёсий мулоҳазани 1921 йилда Совет дипломатиясининг раҳбари Г.В.Чичерин ҳам маъқуллаб, жумладан, “Охирги вақтда жаҳон сиёсати манфаатлари Шарққа кўча бошлади, бизга иттифоқчи бўлиши мумкин бўлган мусулмон дунёси билан муносабатлар борасида масала ҳам кескинлашди...” дея таъкидлаган эди[9.С.374.]. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ҳам шуни таъкидлаш жоизки, “мусулмон омили” совет давлати ички ва ташқи сиёсатида катта ўринга эга бўлган. Лекин, бошқа бир томондан совет ҳукумати ўз мафкуравий таъсирини ёйиш, мусулмон аҳолисини янги ҳокимиятга ҳайрихоҳлигини кучайтириш мақсадида Туркистон ўлкасида, гарчи аввал бошида оз ерда диний ўқитиш таълим тизими сақланиб қолинган бўлсада, мусулмон мактаблари иқтисодий асосини ташкил этувчи вақф мулкларига зарба беришни ҳам бошлади.

Бу эса совет давлатига хос иккиёқлама, динга нисбатан вазиятга қараб “буқаламунлик” сиёсат натижаси эди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Хусусан, 1918 йил 14 декабрда Туркистон АССР Халқ маорифи комиссарлигининг 6486-сонли буруғи эълон қилинди. Унга мувофиқ мусулмон мактабларни маблағ билан таъминлаш тўхтатилиб, вақф мулклари мусодара қилинадиган бўлди[10.Б.33.].

Ўлкада анъанавий равишда маориф, маданият, маънавий моддий таянчи бўлган вақф мулкларидан фойдаланишни тўхталиши, уларни давлат ҳисобига мусодара қилиниш сиёсати ўз навбатида диний муассасалар фаолиятига катта салбий таъсир кўрсатди. Диний муассасаларнинг имтиёзлардан маҳрум бўлиши натижасида улар нафақат моддий балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам қийин аҳволга тушиб қолдилар. Бу кўп ҳолда уламо ва руҳонийларда совет ҳокимиятига қарши нарозилик руҳини кучайтириб, қуроли қаршилиқ ҳаракати томонига ўтиб кетишларига ҳам сабаб бўларди.

“Вақф” – сўзининг асли луғавий маъноси – боғламоқлик дейилади [11.Б.63.]. Вақф мулклари мусулмонлар давлатида XIII асрдан бошлаб вужудга кела бошлаган. Машҳур фикхшунос олим Бурҳониддин Марғиноий (XII аср) ўзининг “Ҳидоя” номли асарида жумладан шундай деб ёзган эди: “Ернинг вақфга айлантирилиши қонуний деб ҳисобланади, чунки пайғамбарнинг сафдошларидан баъзилари ўз ерларини вақфга айлантирганлар[12.Б.52]. Вақф сифатида ўрнидан қўзғатиладиган ва қўзғатилинмайдиган мулклар васият қилинади. Улар ер майдонлари тегирмонлар, ҳаммомлар, бозор майдонлари, усти ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар, дўконлар, омборлар, турар-жойлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ўз навбатида вақф даромадлари мактаб, мадраса, масжид, мусофирхона, етимхона, шифохона, хонақоҳ ва бошқаларни қуришга ҳамда ўша ерларда фаолият юритаётган шахсларни маош билан таъминлашга сарф бўлган. Вақф ерлари 30 дан зиёд турларга бўлинган. Унинг энг кўп тарқалган тури – масжидларнинг ер-мулки бўлган. Вақфлар шунингдек, мадраса, мактаб, қозихона, шифохона, кутубхона ва бошқалар учун ҳам васият қилинар эди[13.]. Ўлкада XX аср бошларига келиб вақф мулклари одатда иккига бўлинарди. Булар: хайрия (вақфи умумий) ва вақфий авлодий. Вақфи умумий –вақф мулкларининг асосий қисмини ташкил этиб, одатда масжид, мадраса, зиёратгоҳ, қабристон, хонақоҳларга тегишли бўлган. Одатда ушбу мулкларнинг асосини ер майдонлари ташкил этиб, кўп ҳолда

улар деҳқонларга ижарага берилган. Келадиган даромад эса табиийки, юқорида номи қайд этилган муассасалар, масжидлар ҳузуридаги мактаблар, мадрасалар ва бошқаларга таъминлашга кетган. Шунингдек, бу вақф турига дўкон, карвонсарой, бозор, тегирмон, савдо тоқ ва расталари, новвойхона, обжуваз ва бошқа шу кабилар ҳам кирган[14.Б.34.]. Вақфларнинг иккинчи тури – вақфи авлодийга қатор нуфузли диндор табақа вакиллари (саидлар, хўжа, аълам, сўфи, мутавалли ва бошқалар)га қарашли мулклар кирган. 1918-1919 йилларда совет ҳукумати вақфларга қарши кураш жараёнида, гарчи уларнинг маълум қисми сақлаб қолинган бўлсада, лекин доимий равишда маҳаллий совет маъмурияти томонидан қистовга олинар эди. Совет ҳокимияти ўрнатилинганидан сўнг вақфлар масаласидаги мулоҳаза 1918 йил ўрталарида кун тартибига қўйилди. Масалани ўрганган Миллатлар ишлари бўйича Халқ Комиссарлиги Туркистон АССРда бир қатор масалалар қаторида вақфлар хусусида ҳам ўз хулосасини баён этади. Унда ўлка халқлари ҳаёти турмуш тарзи ислом дини шариат аҳкомлари билан чамбарчас боғланганлиги қайд этилиб, вақфлар мусодараси эса ўз навбатида аҳоли орасида “...жиддий нарозилик вужудга келишига, иш фаол қаршилиқ кўрсатишга қадар етиб бориши мумкинлиги”, таъкидланиб ўтилади. Бу билан комиссарлик вақф мулкларининг умумий национализацияси совет тузуми фаолияти учун зид эканлигини эътироф этган эди. Шу боис комиссарлик ХКСига вақфлар борасида аввал яхши кузатув ва назоратни амалга ошириш, бу борада суистеъмол ва камчиликларни аниқлаб, оммага етказиш, ана ундан кейин вақфларни национализация қилиш таклифи билан чиқади[15. 76-варақ;].

Маъмурият вақф бошқарувчилари ишларини текшириш, ўзларига мақбул мутаваллиларни вақф бошқарувига қўйишни бошлайди. Масалан, Эски Мағилон депутатлари совети Ёроталиқ масжиди имомини ҳамда Оқйўлбой мадрасаси муттаваллисини вақф даромадини ўзлаштиришда айблаб, 1919 йил 19 июлда ишдан олади[16.Б.35.]. Ундан аввсроқ 1918 йил 27 августда бўлиб ўтган Наманган шаҳар ижроқўми йиғилишида Айритом масжиди

мутаваллиси Исмоилхўжа эшон масжидга келган даромад ва ҳаражатларни яширишда айбланиб, ишдан бўшатилинади[17.Б.35.]. Шунингдек, Холхўжа эшон мадрасаси мутаваллиси Мулла Абдуқаҳҳор, Абдуваҳоббой мадрасаси мутаваллиси Мулла Ашур Раҳимов, Шаҳрихондаги Собирхўжа масжиди имоми Мулла Саъдуллахўжа ва бошқа кўплаб мутавалли имом ва бошқалар турли баҳоналар билан ишдан озод этиладилар[18.Б.35.].

Мазкур ҳолат 1918-1921 йиллар давомида Самарқанд, Фарғона, Сирдарё областлари катор диний муассасаларида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида мадраса, масжид ва бошқаларнинг даромад манбаидан ажралиб, хонавайрон бўлишларига сабаб бўлади.

Бу ҳолат эса нафақат совет ҳукуматига қарши турган кучлар, балки унга хайрихоҳлик билдирган, қолаверса совет идораларида фаолият кўрсатувчи маҳаллий арбоблар, жадид маърифатпарварларининг ҳам эътирозларига сабаб бўлди. Хусусан, 1920 йил 30 июнида бўлиб ўтган Туркистон АССР халқ таълими бошқарувчилари курултойида сўзга чиққан Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) Туркистондаги вақфлар масаласида маъруза билан чиқиб, “вақфлар нафақат диний ва хайрия эҳтиёжлари учун, аскинча маданий тараққиёт ва халқ маорифи учун ҳам зарурлигини” қайд этган ҳолда бу борада совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ишларни танқид остига олади[19.118-119-варақлар]. Шу билан бирга маърузачи мактаб ва мадрасалар кенг халқ оммасига маърифат ва зиё тарқатишда катта аҳамият касб этишини таъкидлаб қуйидаги жиҳатларга алоҳида тўхталади. 1. Вақфлар диний ва ижтимоий хизмат учун эмас, балки халқ маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилиши керак. 2. Миллий мактаб ва мадрасалар – Туркистон халқларининг таълим, фан, санъат соҳаларидаги умумий манбаи ҳисобланади. 3. Мактаб, мадраса ва вақфларга диний бўёқ бериш - эски империя сиёсати натижаси. 4. Вақфлардан тушаётган маблағларни мактаб ва мадрасалар фаолиятини ўзгартириш, уларни диний муассасалардан маданий-таълим манбаларига айлантириш, моҳиятини янги дастур асосида ўзгартириш[20.Б.16.].

Мазкур масалаларни кейинчалик амалиётга тадбиқ этишда маҳаллий жаидларнинг ўрни катта бўлган. Айнан улар таълим тизимини ислоҳ этишнинг маълум дастурларини ишлаб чиқиш ижодкорлари бўлганлар[21. 21-варақ].

Вақфлар масаласи, уларнинг келажадаги бошқарув масалалари совет идоралари томондан 1918-1919 йиллар мобайнида бир неча бор муҳокама этилди. Масалан, ТАССР Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлигининг ўз фаолияти бўйича 1918 йил 24 июлда қабул қилган резолюцияси (унда вақфлар масаласига ҳам тўхталинган - муаллиф), 1919 йил феврал охирида қабул қилинган Туркистон АССР Миллатлар ишлари бўйича Низом (у 1919 йи 8 февралда “Наша газета” ва “Иштирокиюн” газеталарида эълон қилинган -муаллиф). 1919 йил апрелида уни ва ундаги вақф масаласининг ХКС томонидан қайта кўриб чиқилиши бу борада тегишли комиссиянинг иш олиб бориши ва бошқалар вақфлар борасидаги масалага ойдинлик кирита олмади. Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлиги бўлим мудир А.Фрей томонидан ишлаб чиқилиб, вақфларни сақлаб қолинишини ёқловчи қоида кўплаб большевиклар[22. 71-варақ] томонидан рад этилди. Совет ҳокимияти томонидан вақф мулкларини тугатиш унинг олдида турган навбатдаги вазифалардан бири деб эълон қилинди. Якуний ҳулоса тарзида эса барча вақф мулклари тугатилиб, улар Туркистон АССР Маориф Халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилиши маълум қилинди. Большевиклар бу ҳулосани РКП (б) 1919 йил мартдаги VIII съездида қабул қилинган совет маориф тизимини ривожлантириш борасида диний мактаблар фаолиятига, уларнинг иқтисодий асосларига чек қўйиш ҳақидаги мулоҳазаларни асос сифатида кўрсатдилар[23.Б.476.]. Вақфлар ҳақидаги аниқ қонун барибир ишлаб чиқилмади. Бу эса кўплаб сансалорлик ва тушунмовчиликларни, совет маъмуриятининг ўзбошимча ҳаракатларини келтириб чиқарди.

Шу тариқадаги вазиятдан сўнг 1920 йил 17 ноябрда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлари Советининг “Туркистон

Республикасида ердан фойдаланиши ҳақида”ги 353-сонли Низомига кўра вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарорини эълон қилади. Шу тарзда вақф мулклари диний муассасалар ихтиёридан тортиб олинади. Фақат масжидларга тегишли бўлган вақф ерларига вақтинча ер-сув ислохотини ўтказиш жараёнигача тегмаслик ўқтирилади[24.Б.36.]. Шу тариқа совет ҳукумати 2-3 йилдан бери вақфлар масаласидаги мунозараларга чек қўйиб, масалани шу тарзда ечишга қарор қиди. Илгари чала-ярим бажарилган мусодара ишларига тўлақонли сафарбарлик эълон қилинди. Гарчи қарор тадбиғига икки йил амал қилинган бўлсада, лекин шу қисқа даврда ҳам ккплаб салбий ҳаракатлар амалга оширилди.

Низомга кўра барча вақф ерлари Маориф Халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Мадраса ва мактабларга тегишли вақфлар “халқ мулки” дея эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида мусулмон аҳолиси ичида нарозиликнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Ҳар қандай хусусий мулкчилик кўринишларига чек қўйиш ғояси остида вақф мулклари ҳам давлат мулкига айланиши лозим эди. Табиийки, асрий анъаналарга эга бўлган Туркистон ўлкасида бу ҳол маҳаллий шарт-шароит, халқ турмуш тарзи мезонлари, ижтимоий ҳаёт талабларига тўғри келмас эди. Бу эса юқорида таъкидланганидек, орадан 1-2 йил ўтар ўтмас мазкур қоидага ўзгартиришлар бўлишига олиб келди.

ХУЛОСА

Масалага хулоса ясаган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ дир.

1917-1920 йиллар, яъни совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, ўтган қисқа давр мобайнида амалга оширилган сиёсат ўзининг зиддиятли ва қарама-қарши жиҳатларини намоён этди. Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейинги дастлабки вақтда янги ҳукумат биринчи жаҳон уруши, иқтисодий таназзул, қаҳатчилик, қашшоқлик, ишсизлик ва бошқалардан азият чеккан ўлка туб аҳолисига “миллий-маданий” эркинлик, диний чекловлар бекор этилиб, эътиқод масаласида мустақиллик берилишини, “ўз давлатчилик асосларини қуришларини мумкинлигини” ҳақида ваъдалар берилди. Совет ҳукумати

Туркистон ўлкаси мусулмонларини ўз ҳокимиятига ҳайрихоҳ ва иттифоқчи қилиш борасида, аввал бошида диний сиёсатидаги ўз зарбасини собиқ империя таянчи бўлган – православ черковига қарши қаратди. Бу борада марказда юстиция халқ комиссарлиги ҳузурида тегишли VIII бўлим ҳам тузилади.

Совет давлати жаҳон инқилобини амалга ошириши борасида марксча коммунистик ғояларни кенг ёйишда мустамлакачилик зулмидан эзилган мусулмон шарқида ўз диққат - эътиборини қаратди. Бу борада Коминтерн ташкилотидан ҳам бевосита фойдаланди.

Туркистон ўлкасида эса совет давлати томонидан берилган ўз келажагининг ўзи белгилаш, миллий ва диний эркинлик бериш ҳақидаги ваъдалар амалда қоғозда қолиб кетади. Совет давлатининг иккиёқламаликка асосланган бундай сиёсати айниқса дин арбоблари, зиёлидар нарозилигига сабаб бўлиб, 1917 йил охирларидаёқ қатор шаҳарларда нарозилик ҳаракатлари, чиқишларга сабаб бўлади. Марказда аввал ваъда қилинган “демократик парламент” мақомини олиши керак бўлган таъсис мажлиси. (1918 йил январь ойи бошларида тарқатиб юборилади, шу йил феввалида эса уч ойга яқин ҳукм сурган Қўқон (Туркистон) Мухторияти тор-мор этилиб, шаҳар ва бошқа ҳудудлар қонга ботирилади, зулм-зўравонлик авжга чиқади. “Ҳарбий коммунизм”, “Маъмурий меҳнат” борасидаги сиёсат дин аҳли, диндорларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Совет ҳокимиятининг диний анъаналарни писанда қилмаслиги, руҳонийларга нисбатан “аксининқилобий унсур” сифатида муносабатда бўлиш, вақф мулкларига нисбатан тажовуз, зўравонлик билан бўлиб олиш, Қизил армиянинг хунрезликлари, “қизил террор”, очарчилик, қашшоқлик, юқумли касалликларнинг авж олиши, шу ва бошқа шу каби салбий иллатлар боис маҳаллий аҳоли ичида нарозилик янада авж олади. Шундай бир вазиятда дин арбоблари, уламоларнинг маълум қисми қуролли қаршилик ҳаракати томонига ўтиб кетадилар.

1918 йил ноябрида диний мактабларни вақф мулки орқали молиялаштиришнинг тугатилиши эса миллий маориф тизимида катта зарба

бўлиб тушади. Шу билан бирга 1920 йил ўрталарига қадар вақф масалаасида аниқ стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги, бу борадаги мунозаралар, турли даражадаги қарама-қаршилиқлар жойларда совет маъмурияти учун ўзбошимчалик, тазйиқ ва зўравонлик, суистеъмолликлар учун йўл очиб беради. Мазкур ҳаракатлар орқасидан эса диний арбоб уламо, рухонийлар мавқеига яна бир карра ҳам иқтисодий ҳам маънавий жихатдан зарба берилади.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Қайғусиз Отабоевни қайғулари//Ўзбегим. Тошкент, 1992.-Б.78; Ражабов Қ. Голиб армиянинг қарашлари //Шарқ юлдузи. 1998. №6-Б.193.
2. Қосимов Б. Жадидчилик // Ёшлик, 1990, №7.-Б.74.
3. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годах. Автореф. докт.ист.наук. Ташкент, 1998. С.3-5,6-11, 12-20 и др; Туркестан в начале XX века; К истории истоков национальной независимости. Коллективная монография. Ташкент: Шарқ, 2000; Мунавварқори Абдурашидхонов. Хотираларим. Нашрга тайёрловчи. С.Холбоев, Тошкент, 2006.-Б.5-12 ва бошқалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 282-варақ; Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 280-варақ; Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 26-варақ; Салмонов А.М. Ўзбекистонда диний муасса ва мусулмон ташкилотлари фаолияти тарихи. Тарих фанлари номзоди дисс.Тошкент, 2008, Б.33.
5. Ленин В.И. Полн.собр. соч. Т.37.-С.186.
6. Рыков А.И. Сочинения в 4-х томах. М.-Л., 1929. Т.3. С.87; XIII съезд РКП(б). Стенографический отчёт. М., 1963. С.477; Алексеев В.И. Иллюзии и догмы. М.:Политлитература, 1991,С.71.
7. Степанов А.Ф. Мусульманское духовенство Татарской АССР 1920 – х гг. Глазами Татотдела ГПУ и местных партийных органов //

конфессиональная политика советского государства в 1920-1950-е годы. Материалы XI Международной научной конференции. Великий Новгород, 11-13 октября 2018 г. М.; Ельцин центр, 2019.-С.373.

8. Степанов А.Ф. Указ. статья.-С.373.
9. Степанов А.Ф. Указ. статья.-С.374.
10. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-34, 1-рўйхат, 34-иш, 26-варақ; Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.33.
11. Исмоилов С. Бурхониддин Марғиновий ва фикҳ илми. Тошкент: “Адолат”, 2000, -Б.63.
12. Комилов О.К. XX асрнинг 20-йиларида Ўзбекистон Миллий маорифидаги ўзгаришлар. Тарих фан.номз.илм.дараж. оиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2009, - Б.52.
13. Бўриев О. Вақф анъанаси – Маънавий қадриятимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил. 22-июл сони.
14. Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.34.
15. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 153-иш, 76-варақ;
16. Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.35.
17. Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.35.
18. Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.35.
19. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 320-иш, 118-119-варақлар;
20. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 320-иш, 118-119-варақлар
21. Бу даврда Мунавварқори Абдурашидхонов Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк секциясининг аъзоси, академик бўлим бошлиғи лавозимида бўлган. Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви, Р, 94- фонд, 1-рўйхат, 320-иш, 21-варақ.
22. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 394-иш, 71-варақ
23. КПСС съездлар конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида. 1- қисм. Тошкент: Ўздавнашр, 1954. –Б.476

24. Салмонов А.М. Кўрсатилган дисс.-Б.36.